

«Насоролар ҳам: «Яҳудийлар ҳеч нарсада эмаслар», - дедилар».

Яъни [насроний](#)лар ҳам яҳудийларга нисбатан худди шундай муносабатда бўлар эдилар.

«Ваҳоланки, улар китоб тиловат қилурлар».

Уларнинг ҳар иккиси ҳам [аҳли китоб](#) саналадилар: яҳудийлар [Таврот](#)ни, насронийлар [Инжил](#)ни ўқийдилар.

Самовий китоб эгаси бўлмаган халқлар тўғрисида оятда:

«Худди шу каби, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтган эдилар», - дейилмоқда.

Яъни, уларни илоҳий таълимотларни «билмайдиган кимсалар» деб аталяпти. Аммо улар ҳам яҳудий ва насронийларнинг гапларига ўхшаш гапларни айтадилар, яъни, [мушрик](#)лар яҳудийлар ва насоролар ҳақида, булар, иккаласи ҳам ҳеч нарсага арзимади, дейдилар. Албатта, иш уларнинг гапига қараб бўлмайди.

«Бас, улар ихтилоф қилиб юрган нарса ҳақида қиёмат куни ораларида Аллоҳ ҳукм қиладир».

Улар тортишган масаланинг ҳақиқий ҳукмини қиёмат куни Аллоҳ таолонинг Ўзи чиқаради.

Фақат унутмаслик керакки, [кофир](#)лар ким бўлишларидан қатъи назар, бир-бирлари билан қанчалик тортишмасинлар, мусулмонларга қарши курашда бир бўлиб оладилар.

Келаси оятда кофирларнинг яна бир кирдикорлари фош этилади.

Шу билан уларга эргашиш мумкин эмаслиги яна бир бор тасдиқланади:

يَا عَسَوْهُمُ سَا اِهْيَا رَكَدِي نَأَهْلَلِ اِحْاَسَمَ عَنَّم نَمُّمُ مَلْطَأُ نَمَو
يَا فَمُهَلَنِي فَيَأْخَالِ اِهْوُلْخُدِي نَأَمُهَلَنَاك اَمَكَيْلُ وَأَهْبَاخِي ف
مِي طَعُ بَادَعِ عَرَا لِي فَمُهَلَوُ يُنْخَايُنْ دَلَا

114. Аллоҳнинг [масжид](#)ларида Унинг исми зикр қилинишини ман этган ва уларни хароб қилишга саъй-ҳаракат қилган кимсадан кўра золисроқ ким бор? Ана ўшалар уларга фақат қўрққан ҳолларидагина киришлари керак эди! Уларга дунёда шармандалик бордир ва уларга [охират](#)да улкан азоб бордир. ("Тафсири Ҳилол" китобидан). [Валлоҳу аълам!](#)